


O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOY-SIYOSIY GAZETA





2003-YIL 2-DEKABR SESHANBA 141 (27.161) uzbovozi@sarkor.uz 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan.

Экспорт — мамлакат таянчи



САКСОН ФОИЗ МАҲСУЛОТ — ХОРИЖГА



Хазорасп туманида «УНИХО» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасининг иш бошлаганига эндигина саккиз ой бўлди. Шу қисқа муддат ичида корхона номи вилоятдан ташқарида ҳам тилга тушди. Унинг тамгаси билан чиқаятган ип калаваларига бугун талаб катта, буюртма кўп. Жамоанинг 80 нафарлик аҳил жамоаси ой сайин 240-250 тоннагача маҳсулот тайёрлашга эришмоқда.

— Мухими, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотимизнинг саксон фоизи хорижга экспорт қилинаётир, — дейди корхона бош муҳандиси Шокир Сотиболдиев. — Туркия, Россия, Германия сингари мамлакатлар ишбилармонлари ҳам биз билан янаги йил учун шартнома тузиш иштиёқини билдирди. Ҳозир ҳозирларимизда хориждан келтирилган дастаҳлар юзсак унум билан ишлаб турибди. Маҳаллий йигит-қизларимиз уларни тезда ўзлаштириб олишди...

Суратларда: моҳир ип йигирувчи Ойгул Саилхонова; смена устаси Комил Курбонов ишчилар орасида; ип-калава цехидан бир қўриниш. **Шавакат АКРАМОВ олган суратлар.**

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Жаноби Олийларига
Муборак Йид ал-Фитр байрами муносабати билан Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги халқи, ҳукумати ва ўз номидан Сиз Жаноби Олийларига энг самимий табрикларимни йўллаб, сийҳат-саломатлик ва бахт, Ўзбекистон халқига доимий равишда фаровонлик тилаб қолам.

Абдуллоҳ Иккинчи, Иордания Подшоҳи

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов Жаноби Олийларига
Муборак Рўза ҳайити муносабати билан Ливан халқи ва ўз номидан Сиз Жаноби Олийларига энг эзгу тилакларимни йўллашдан бахтирман.

Қодир Аллоҳ Сиз Жаноби Олийлари ва дўст Ўзбекистон халқига доимий тараққиёт, зафарлар ва фаровонлик ато этади, деб умид қиламан.

Генерал Эмил Лахуд, Ливан Республикаси Президенти

Шунингдек, Рамазон ҳайити муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига Қувайт Давлати Валаяҳди Савад Ал-Абдуллоҳ Ас-Салим Ас-Сабоҳ, Бирлашган Араб Амирликлари ички ишлар вазирининг ўринбосари Сайф бин Зайд Ол Ноҳоён, БМТ озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти Бош директори Жак Днуф ва бошқалардан табрик телеграммалари олинди.

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI AXBOROTI

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 2 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа хисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан куйдаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	708,39	1 Польша злотийси	251,25
1 Англия фунт стерлинги	1685,43	1 СДР	1407,38
1 Дания кронаси	158,00	1000 Туркия лираси	0,67
1 БАА дирхами	266,19	1 Швейцария франки	758,62
1 АҚШ доллари	977,63	1 ЕВРО	1175,31
1 Миср фунти	158,84	10 Жанубий Корея вонни	8,12
1 Исландия кронаси	13,15	10 Япония иенаси	89,09
1 Канада доллари	752,54	1 Россия рубли	32,87
1 Хитой юани	118,11	1 Украина гривнаси	183,35
1 Малайзия рингити	257,30		

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мажбурий валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олманган.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовга 1 декабрь куни Оқсаройда Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва муҳтор элчиси этиб тайинланган Тлеухан Кабдрахманов Ишонч ёрлиғи топширди.

Ислоҳ Каримов элчини шарофли ва масъулиятли лавозимга тайинлашни билан қутлар экан, Ўзбекистон билан Қозоғистон ўртасида барча соҳаларда ҳамкорлик ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Икки мамлакат МДХ, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти каби минтақавий ҳамда кўплаб халқаро тузилмалар доирасида фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Президентнинг Қозоғистон элчиси билан суҳбатда савдо, сармоя, сайёҳлик, қишлоқ хўжалиги ва тўқимачилик сонаоти йўналишлари бўйича икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Президент Ислоҳ Каримов шу куни Вьетнам Социалистик Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва муҳтор элчиси этиб тайинланган Фам Зуй Шондан Ишонч ёрлиғи қабул қилиб олди. Мамлакатларимиз ораллиқдаги масофа нисбатан узоклигига қарамай, Ўзбекистон билан Вьетнам ўртасида ўзаро муносабатларни ривожлантириш учун талай имкониятлар мавжуд. Элчи, хусусан, иқтисодий, маданият ҳамда сайёҳлик соҳаларида ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ниятида эканлигини таъкидлади.

Ислоҳ Каримов вьетнамлик дипломатга янги бошланган миссиясида муваффақият тилади. Вьетнам элчиси мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш йўлида куч-гайратини аямаслигини таъкидлади.

Шунингдек, Ўзбекистон Президентига Хитой

Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва муҳтор элчиси этиб тайинланган Гао Юйшен Ишонч ёрлиғини топширди.

Элчи билан суҳбат чоғида Ислоҳ Каримов Ўзбекистон — Хитой муносабатларини ривожлантириш имкониятлари кўплигини, уларни тўлиқ ишга солиш икки мамлакат учун ҳам фойдали бўлишини таъкидлади.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти бўйича ҳамкорлик бўлган Хитой элчиси икки томонлама ҳамкорлик, айниқса, савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ишга ҳисса қўлишини ўзи учун бош мақсад сифатида белгиланганини, Ўзбекистондаги миссияси эса ўзи учун шараф, деб билишини айтди.

Ислоҳ Каримов элчига муваффақият тилар экан, ўзаро муносабатлар бундан бундан ҳам ривожланиб бораверишига ишонч билдирди.

Президент Ислоҳ Каримов Эрон Ислоҳ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва муҳтор элчиси этиб тайинланган Муҳаммад Фатҳалдан Ишонч ёрлиғи қабул қилиб олди.

Эрон Ўзбекистон билан ҳамкорлик масалаларига эътиборини кучайтирмоқда. Мамлакатларимизда эса биргаликда ишга солиниши мумкин бўлган имкониятлар талайгина.

Ўзбекистон ва Эрон айнакча транспорт коммуникациялари соҳасида фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда. Бу борадаги алоқалар нафақат икки томонлама, балки кўп томонлама асосда ҳам ривожланипти. Мамлакатларимиз биргаликда Афғонистон транспорт тизимини тиклаш ва тақомиллаштиришга катта ҳисса қўшапти.

Халқаро кўргазма
ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ ДУРДОНАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI KONSTITUCIYASI ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ ЎН БИР ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн бир йиллиги муносабати билан инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-бандига асосан, ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўта оғир бўлмаган жиноятлар учун ҳукм қилинганлар жазодан озод қилинсин:
- а) биринчи марта содир этган жинояти учун жазо ўтаётган аёллар;
- б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;
- в) мазкур Фармон кучга киргунга қадар қонунда белгиланган тартибда биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари деб топилган шахслар;
- г) мазкур Фармон кучга киргунга қадар 60 ёшга тўлган эркаклар;
- д) мазкур Фармон кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида жазони ижро этиш ёки яшаш жойидаги даволаш муассасаларининг тиббий комиссиялари қарорига асосан жазони ўташга тўқилмаган қиладиган оғир касалликка чалинган оғир топилган шахслар;
- е) жиноят содир қилгунга қадар жазони ўтатишга тўқилмаган оғир касалликка чалинган оғир топилган шахслар;
- ж) жиноят содир қилгунга қадар жазони ўтатишга тўқилмаган оғир касалликка чалинган оғир топилган шахслар.

6. Мазкур Фармонга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахслар жазо муддатининг ўталмаган қисми куйдагича қисқартирилсин:

- а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — тўртдан бир қисмига;
- б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — бешдан бир қисмига.
7. Тадбир этилмасин:
- а) мазкур Фармон — ўта хавфли реидивистларга, жазони ўтатиш тартибини мунтазам равишда бузаятган маҳкумларга, шунингдек муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибидега жазодан озод этилган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга;
- б) мазкур Фармоннинг 1-3, 5,6-моддалари — экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибидега Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганларга;
- в) мазкур Фармоннинг 1-моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда қўрилмаган ишлар тугатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри, 2003 йил 1 декабрь

8 декабрь — Бош Қомусимиз қабул қилинган кун

КОНСТИТУЦИЯМИЗ ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Ҳар қандай давлат тарихида шундай саналар бўладики, уларнинг аҳамияти вақт ўтган сари ортиб бораверади. Халқимиз сиёсий донолиги, ижтимоий ва ҳуқуқий тафаккури ва иқтисодий маҳсули — биринчи Конституциямиз қабул қилинган кун ана шундай саналар қаторига кирди.

Бобо тарих олдида ўнча катта бўлмаган муддат — ўн бир йиллик қисқа вақтингиз ўзиёқ Конституциямизнинг нақадар етук ва мукамал, салоҳиятли ва нуфузли ҳуқуқий ҳужжат эканини тўла тасдиқламоқда.

Ўн бир йиллик конституциявий тараққиёт ичида ёш давлатимиз ва халқимизнинг ажойиб ва аҳамиятга молик ютуқларини ҳисобга оладиган бўлсак, мазкур вақтингиз тарихий аҳамияти янада ёрқинроқ намоён бўлади.


Аслида ҳам, Конституциямиз амалда бўлган, бир қарашда жуда оз туюладиган ана шу давр давлатимизнинг конституциявий ривожланишидаги дастлабки қадамларини баччиқар ҳам томонлама чуқур ўрганишимиз, муносиб баҳолашимиз ва фарҳанглигимиз, керак бўлса, Бош Қомусимиз амал қилишининг базиси бир яқунларини чиқаришимиз лозим бўлган ўзи-

шароитларда кечди. Шу ўринда Конституциямиз тарихининг бошланғич нуқтаси — ибтидоий ғоят хатарли ва мураккаб кунларга тўғри келганига алоҳида тўхталиб ўтишни истардик.

Уша даврининг қалтирилиши шунда эдики, мустақил тузум, ўта мафқуралашган, миллий ўзгичлигини топган эски тизим ҳали тўла амалда эди. Собик иттифоқ конституцияси мутлақ империя яхлитлигини ҳимоя қилиб турарди. Боз устига, собиқ Марказий навбатдаги сиёсий ўйини — сохта эркинлик, юзаси ошқоралик, бакироқ демократия аксар ҳолларда одамлар эътиборини масаланинг тўб мазмун-моҳиятидан қалғин қилиб қолди.

Нега деганда, бугун ўн бир ёшга кирган Асосий Қонунимиз ҳисобга оладиган давлатчилик тарихида, ҳуқуқий жаҳдан янги Ўғониш даврини бошлаб берди. XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида дунёда катта конституциявий ўзгаришлар бўлиб берди. Бу айниқса собиқ социалистик лагер ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларига тааллуқлидир. Бу давлатларда янги конституциялар қабул қилинди. Конституцияни тайёрлаш ва қабул қилиш мураккаб иқтисодий, сиёсий ва маънавий-мафқуравий

2-бем



санъат асарлари дунёга келади. Бу қасб бизга аждодларимиздан мерос бўлиб келмоқда. Биз зардуш усталар сулоласининг учинчи авлодида мансубимиз. Энди эса фарзандларим ҳам уни давом эттириш ниятида.

БИЗНЕС БАНК
ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

Абдулла Орипов ўзбек шеърини шуҳрат чўққисининг энг юксак нуқталаридан бирида туриб, мумтоз адабиётимизда ўз номини мангуликка муҳраган ижодкор. Ҳазрати Навоий тимсолида беш юз йил нарида кўз



лефондан жой олиши, шубҳасиз. Адабий нуқтаи назаридан қараганда, бир тушунча бор — шох асарларининг индизи битта нуқтадан озикланади. Бу — инсон тақдирини ҳар нарсадан банд қўйиш, инсон қисматини улуғлаш, инсонни кашф қилиш. Ижодкорнинг буюклиги эса сода ва самимият билан қалам тебрат олишида. Шоиримиз шеъринида кўбашди чарақлаган самимият замиридаги мантик ва

АБДУЛЛА ОРИПОВНИНГ «УМР ДАФТАРИ»

очган маънавиятимиз булогидан бахраманд адабиётимизнинг бугунги кўринишини ҳассос шоиримизнинг тасаввур қилолмаймиш.

Бугун Абдулла Ориповдай табики ижодкорнинг шеърини, фақуллода истеъдод олдида ҳажонга тушган, устоз салабатидан бутинида титроқ уйғонган ёш адиблар, айниқса, ҳозирги ўсмирлар учун «Ёшлар» телеканали маърифий кўприк ўрнатди. Тўрт қисмдан иборат фильм (кўрсатув фильм даражасига етган) қаҳрамон шоиримизнинг наинки умр дафтари, балки дин дафтари ва тарқатгани боис ҳам жуда таъсирчан ҳолда эфирга узатилди. «Ёшлар» телеканалда яхши кўрсатувлар кўп. Мазкур кўрсатув эса сараларнинг сараси, яхшиларнинг яхшиси қаторида те-

халқ ва Ватан юқини ҳар қандай тўфонлар синовида собит туриб кўтарди.

«Ёшлар» канали орқали шоир умр йўли давомидида авлодларга мерос қилиб қолдиришга эришди. Унинг қалбидида ҳам оғриқлар тўғони ҳурж қилган, у ҳам ноҳақликлар гирдобидида чинққан, лекин ўз эътиқодида терс бўлмаган. Сохта шон-шўҳрат дово-нини учун нарвон ахтармаган. Абдулла ака айниқса, устоз Ойбек,

накам истеъдодлар улар орасида ўн, юз чандон баланд туради.

Фильм элимизнинг севимли шоири Ҳақида автобиографик, фалсафий, маърифий мақомга эга эканлиги билан ҳам қимматли. Ёш авлод, мактаб ўқувчилари, адабиёт ихлосмандлари учун қўлланма тарзда тайёрланган мазкур бадий иш орқали халқимиз Абдулла Орипов ижоди ва ҳаёти ҳақида ўзига хос маълумотга эга бўлади.

фикр, қўйма ўхшатишлар — доимо халқ кўнглини титратиб келган; бу энди — истеъдод дегани. Олисағди бургутнинг кўзини бехато урадиган фалсафий фикр шоир ижодида фақуллода ҳоди-са, ҳаракат бахш этиб келаяпти. Шунинг учун ҳам халқ уни ардоқлайди, ҳар бир ўқувчи тафаккурда чамқок қаққандай бўлади.


Менимча, «Ёшлар» канали адабиётимизнинг бақувват чинорлари, ҳозирда орамизда яшаётган бошқа шоиру адиблар — Одил Ёқубов, Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов, Шукрур Холмирозев, Мурод Мухаммад Дўст, Эркин Ўзям, Усмон Азим, Хайриддин Султонов, Хуриш Даврон ва шу даражадаги ижодкорлар ҳақида ҳам ана шундай кўрсатувлар тайёрлаб борсалар мақсадга мувофиқ бўлади. Агар бундай ният телеижодкорларнинг режиссида бўлса, янаям яхши.

Зеро, Абдулла Орипов сингари индизи чўқур чинорларнинг собитлигида чизги бериш шу майдондаги нав нирода, умид ҳам сўмас куч-ирода, умид баҳида этади. **Кўқор НОРҚОБИЛ**

«Мулоқот» саҳифаларида

ИНСОН, ЕР ВА СУВ

деб эълон қилинган эди. Шундан келиб чиқиб, Тошкент ирригация ва қишлоқ ҳўжалигини механизациялаш муҳандислари институти олимлари бугун барчани ўйлантираётган Инсон, Ер, Сув, экология масалаларида эътиборни қаратганлар. Шунингдек, журнал саҳифаларини вақарлаган ўқувчи демократик жамият қуриш назарияси кафедраси мудири Жонон Юнусова, фалсафа кафедраси доценти Дилбар Рўзमतова, раисларининг мақола-ларида бугунги ёшлар аҳоли, уларни инсонпарварлик руҳида тарбиялаш ҳақида сўз юритилади. Институтда олиб борилаётган ишлар ҳақида институтнинг маънавий ва маърифий масалалар бўйича проректори Абдурахмон Ражабов «Мутахассис комил



Инсон бўлин» номли чиқишида батафсил ҳикоя қилинади. Техника фанлари доктори, профессор Бакир Серикбоевнинг «Мироблар мўъжизаси» мақола-сида сўғоришнинг замонавий усуллари, доцент Иброҳим Абдурахимов «Сув илми ва бошқаруви» мақола-сида «Сув ҳаёт манбаи экан, ундан унумли фойдаланиш, оқилона тақсимлаш, чўлу саҳро-ларга сув чиқариш ҳар бир бошқарувнинг зиммасига масъулият юклиди», деб ёзади. Академик Иброҳимжон Исқандаров «Рақобатбардошлик иқтисодиёти» мақола-сида бозор иқтисодиёти муносабатларида соғлом рақобатнинг ўрнига кенг тўқталарди, ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожига ҳисса қўшувчи омиллар ҳақида ҳикоя қиладувчи.

Спорт

Ёшларимиз имконияти қандай?

Ўзбек футбол тарихида биринчи мартаба Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси жаҳон чемпионатида иштирок этмоқда. Бирлашган Араб Амирликларида ўтказилаётган бу нуфузли муسابақада ҳамюртларимиз жой олган «В» гуруҳида Аргентина, Испания, Мали давлатлари вақиллари ҳам тўп сурмоқда.

Чемпионатнинг илк учрашуви Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Мали футболчиларига қарши ўтказди. Тенг курашган остида ўтган бу ўйнда омад «қора» кўтыва вақиллари ҳамид бокди — 2:3. Вақилларимиздан тўпларни Исом Имомов ҳалида Александр Гейрихлар киритди. Мусобақа финалига тенглаштирилган Аргентина — Испания учрашуви Латин Америкаси футболчилари галабаси билан туғди — 2:1. Эслатиб ўтамиз, Аргентина футболчилари ўтган чемпионатнинг қолиби, Испания ёшлар терма жамоаси эса Европа чемпиони сифатида БААга ташриф бўюришган. Бундан кўриниб турибдики, гуруҳдаги қолган икки учрашув ҳам футболчиларимиз учун осон кечмайди.

Мусобақанинг бошқа гуруҳларида дастлабки тўп ўйинлари қуйидагича якуланди: **«А» гуруҳи.** БАА — Словакия — 1:4, Панама — Буркина-Фасо — 0:1. **«С» гуруҳи.** Бразилия — Канада — 2:0, Чехия — Австралия — 1:1. **«Д» гуруҳи.** Колумбия — Ирландия — 1:2, Мексика — Котд Ивуар — 1:2. **«В» гуруҳи.** Парагвай — АҚШ — 1:3, Жанубий Корея — Германия — 2:0.

Кечя кечкүрнн Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аргентиналиклар билан кўн шинади. Ёшларимиз гуруҳдаги сўнгги ўйинни 4 декабрь кўни Испания футболчиларига қарши ўтказадилар.

Эркин ХОЛБОБО

Интер-спорт

МАСКАЕВ ИККИ МИЛЛИОН БЕРАРМИКИН?

Ўта оғир вазили россиялик боксчи Олег Маскаевнинг америкалик иш ирутувчиси Деннис Раппопорт қизик фикрни ўртага ташлади. Унинг сўзига қараганда, Виталий Кличко 6 декабрь кўни Кирж Жонсон устидан галаба қозонгудай бўлса, россиялик боксчи билан учратиши мумкин. Лекин Маскаев украинлик боксчининг ўчрашишга розилигини олиш учун икки миллион доллар бериши лозим бўларкан. Раппопорт украинлик боксчи бундай сармова билан сўзасиз ҳисоблашади, деган фикрда.

ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Португалия пойтахти Лиссабонда «Евро — 2004» чемпионати иштирокчилари ўртасида қуրъа ташланди. Россия терма жамоаси «А» гуруҳида Португалия, Греция ва Испания футболчилари билан ўйнайдиган бўлди. Россия Футбол уюшмасининг президенти Вячеслав Колосков қуръа натижасидан мамнун эканини яширмаяпти. Унинг фикрига қараганда, Испания ва Греция билан учрашуларда дуруст натижача эришиши мумкин экан. Фақат майдон ағалари — Португалия футболчилари билан ўйинда маҳорат кўрсатилса бўлган. «В» гуруҳи Франция, Англия, Швейцария ва Хорватия жамоаларидан таркиб топан бўлса, «С» гуруҳида Швеция, Болгария, Дания, Италия терма жамоалари жамланди. «Д» гуруҳи эса Чехия, Латвия, Германия, Нидерландия жамоаларидан иборат.

Ҳикматли сўзлар маъноси

КЕРАК БЎЛСА, ТЕРАК ЙИҚИЛАР

«Керакка терак йиқилар», «Керак теракни йиқар», «Йуқин керак топтира, ёлғиз отин соттира». Утмишда бирор иморат қуриладиган бўлса, унинг тўсинлари, устунлари, тоқилари, синчлари, зичик-дерезаларига жуда кўп ёғоч керак бўларди. Шунда ёғоч етмай қолса, уй қуриётган одам устоз мардикорларнинг қўлини ўшласмаслик, вақтни бой бермаслик учун узокқа бориб ўтирмадан, кўркам бўлиб, савлат тўқиб, соя бериб, керак бўлиб турган теракни йиқитиб, ёғоч қилиб, ишлатиб юборишига мажбур бўлиб қолади. Мазкур мақолалар тўғри маънода ана шундай ва шунга ўхшаш ҳолларни ифода этган. Мақо-лан: «Қиши бирор нарсага бениҳоя зарурат сезган тақдирда ўзига керак бўлиб, қунига яраб турган нарса-сининг баҳрдан ўтмиша, сотиб пул қилиб, эҳтиёжига ишлатишга мажбур бўлади», дейилмоқчи.

КОМИЛНИ КОМИЛ БИЛАР

Комил — етук, тўлук, мукамал, бекам-кўст. «Зар қадрини заргар билди» деганиларидек, етук, барқамол, олиму доно, моҳир, қўли гул, ақли теран, ахлоқ-одобли кишининг кадр-қимматини унинг ўзига ўхшаган ки-шилар яхши биладилар. Мазкур мақоли шу маънода қўйлайдилар.

Эртага — Халқаро ногиронлар куни

МЕҲРГА МУҲТОЖ ОДАМ

Тани-жонингиз соғми? Атрофингизда оила аъзоларингиз парванами? Севган касбингиз, эрта тонгда шошиладиган ишонангиз борми? Демак, сиз бахтли одам-сиз. Лекин орамизда муҳаббатга, меҳр-га, бир оғиз ширин сўз, эътиборга зор, умидвор инсонларнинг борлиги ҳам ҳақиқатдир.



Ёлғизлик ёзувлари
Шукрулло Мухаммадиев 1948 йилда Каттакўрғон тумани Маллик қишлоғида туғилган. Оилада ёлғиз фарзанд бўлганлиги учун ота-онаси уни ардоқлар, нуридийдаларини ҳеч кимга ишонмасди. 1958 йилда ўн ёшга кирган йигитчани оғир дард тўшаққа мийлаб қўйди. У замоналарда одамлар қорни тўйиб оварта эмас, турмуш даражаси жуда паст, аҳолига тиб-бий хизмат кўрсатиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас эди. Шўрлик ота-она болани олиб бормасдан табиби, кўрсатмаган шифоҳонаси қолмади. Ўша пайтлар Каттакўрғондан чиққан биринчи ўзбек шифокори Нормурад Жабриев Шукруллони республика суяк сил касалли-лари шифоҳонасига жойлашти-ришга ёрдам берди. У шифо-хона қошидаги йўлдош мактаб-да 8-синфгача таҳсил олди. Навниҳол ўғлининг «оёқсиз» бўлиб қолганлигига қўйган ота 1967 йилда вафот этди. Шун-дан сўнг Шукрулло онаси Зу-лайҳо Шарипова қарамогича қолади.

Халқ ёзувчиси билан учрашув
— Адолатсизликка чидаб бўлмайдми. Мустабид тузум йил-ларида машинамга ахратилган эҳтиёт қисмларни савдо идора-си бошлиғи сотиб юборди. Қўлтиқтайда боримиз, аҳо-лимни айтиб ўтинимиз унинг тош юрагини илитолмади. Маж-бурликдан «Мўштум-га» шикоят ёздам. Тахририят ўша пайтлар ушбу ариза юзасидан текшири-ш ўтказишни ёзувчи Неймат Ами-нов зиммасига юклагди. У киши пойтахтдан йўл босиб Каттакў-ронга келса, маҳаллий раҳбар-лар барчасини ўзимиз ижобий ҳал қиламиз, сиз қайтиб кетаве-ринг дейишибди. Неймат ака эса бунга кўнмай менга тегишли эҳтиёт қисмларни олиб бериб, мен билан шахсан учрашиб, ушбу адолатсизлик бўйича «Мўштум-да» фельетон ҳам эълон қилган эдилар. Бу воқеалар бўлиб ўтганига ҳам йигирма йил-дан ошди. Ҳар гал телевизор ор-қали муҳтарам ёзувчимизни кўрсам ёки номларини эшитсам қувониб кетаман.

Маня, ўн йилдири, янги йил яқинлашганда, руҳиятимда бир оғриқ пайдо бўлади. Ҳа, мен ўзини йилки, эски йилни куза-ти янги йилни ёлғиз ўзим қу-зиб оламан. Эшигини кимдир қоқишини, ўзини менга ақин олиб, бирорта одам кириб келишини кутиб яшайман. Чунки мен қанчалик истамайн уларнинг олдига ўзим боролмайман, — дейди Шукрул-ло ака...

Эшиги қоқилмаган уй

— Юрлагандан кейин бу-тун вужудинг кўзга, қўлоққа айланар экан. Кимдир номин-ги айтиб қақирини, дўсти ёки қариндош, қўшни бўлса ҳам бир лаҳза кўриниш бери-шини, эшигинг тақиллаб дей-дор кириб келишини кутар экансан.

Мамлакатимизда ногиронлар давлат ҳимоясида, бундан ши-коят қиладиган жойим йўқ. Ле-кин тондан то тунгача кимни-дир кутиб яшаш қийин экан...

Ўқинч лаҳзалари

— Баъзан тушларимда югура-ётган болалигим гавдаланади. Маҳзун онам тўхта йиқилсан, дейдигандай бўлаверади. Уйғон-сан тушим. Аслида умр дегани ҳам узунроқ бир тушга ўхшар экан. Болалигимнинг эласам алам, истиробда ёна бошлайман. Мен ҳам ўз оёқларим билан қуриб мактабга борган эдим, қишлоқ қўчаларини қанғитиб чо-пардим. Аммо оғир хасталик ҳаётимни остин-устун қилиб юборди.

Мен инсон қадр-қиммати оёқоти қилган мустабид ту-зум қурбони бўлдим. Учрашган

«Онам ҳақида ёзсангиз...»

Шукрулло ака билан хайрла-шар эканман. У киши қўзлари-да ёш билан «Агар мен тўғрим-да бирон нарса ёзсангиз, онам ҳақида алоҳида тўқталсангиз», — дедилар.

Ўйга толдим. Баъзан соғ бўла туриб, имкониятим бўлатуриб, қўдалик қошларга уралшиб онамдан ойнаб хабар ололма-ганимга уялиб кетдим.

Ёнгинамизда ногирон қўшини-миз истикомат қилади. Ҳеч бўлмаса байрам, улуғ айём кун-ларида ундан ҳол сўраб қўйи-шга вақт, куч тополганимизга ўқиндим, мударок виждоним қий-налди...

Эртага, яъни 3 декабрь бу-тун дунёда Халқаро ногиронлар кўни, деб белгиланган. Демак, шу баҳонда атрофимиздаги меҳрга, муҳаббатга, озгина эътиборга муҳтож бўлган бир-дорларимиз аҳолидан хабар олайлик.

Шоир айтганидек:

Инсон билан тирикдир инсон, Муҳаббатдир ҳаётнинг боши. Одамларга бахш этгин жон, Одамларнинг меҳр кўши.

Фаррух ҲАМРОЕВ

Суратда: Шукрулло Мухам-мадиев онаси Зулайҳо Шарипо-ва билан (1959 йил).

ДИҚҚАТ, АУКЦИОН!

«Тошкент шаҳар муниципал биржа маркази» МЧЖ аукцион савдола-рига тақлиф этади.

Савдолар 2004 йил 2,9 январь кўнлари соат 11^ода Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси биносининг 4-қавати мажлис-лар залига ўтказилади.

Аукцион савдоларига, Миробод туман Суд ижрокчилари бўлимаси томонидан банд солинган, боқиманда-қорхона УЖКБ «Трансаноат-қурилиш» трестининг Тошкент шаҳри, Миробод тумани, 2-Саракул қурилиш, 5-уй манзилда жойлашган, 2-қаватли маъмурий биносинг майдони 527 кв.метрга тенг қисми қўйилади.

Объектнинг бошланғич баҳоси — 6 399 000 сўм.

Савдоларда иштирок этишни ҳоҳловчи талабгорлар объект бош-ланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорда саров нули тўлашлари шарт.

Аризаларни қабул қилиш савдолар бошланишига бир соат қолганда тўхтаилади.

Манзил: Мовароуннаҳр кўчаси, 16А-уй. Телефон: 133-20-74, 132-25-51.

«ВАО» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИАТИ БАҲОЛАШ ТУРИ БЎЙИЧА ҚЎЙИДАГИ ИШЛАРНИ БАЖАРАДИ.

1. Асосий восталарни қайта баҳолаш.
 2. Кўчмас мулкни баҳолаш.
 3. Транспорти восталарини баҳолаш.
 4. Асбоб-ускуналари баҳолаш.
- 1) МЧЖ, сотиш учун;
2) саров учун;
3) назомий жамаатларга фонди учун баҳолаш турларини бажаради.
- Лицензия № RR 38-015
- Маълумот учун манзил: Тошкент шаҳар, Боровский кўчаси, 2, «Узбекистон» асептилиз бинос, 1-қават, 8-, 9-қоилар.
Телефон: 133-97-25, 136-16-59, 111-71-95.
E-mail: babo@sarkor.uz
- Ўзбекистон Халқ демократик партияси Миробод туман кенгаши «Утемирйўлович» ОАЖ Тошкент филиали партия ташкилоти котиб-би Г.С.Фаниҳужаева онаси
- Азиза ФАЙЗИЕВАНИНГ**
вафот этгани муносабати билан чўқур ҳамдардлиқ ихроҳ этади.
- Тошкент шаҳар Миробод туман ДСИ маъмурияти ва жамоаси инспекциянинг юридик бўлими катта инспектори
Аваз Олимович ЯКУБОВНИНГ
бевақ вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзин ихроҳ этади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV
TAHRIR HAY’ATI:
Abdulla ORIPOV
Abdulhazif JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA’DULLA
Norbobo SHAKAROV
(Bosh muharrir o‘rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o‘rinbosari)
Andrey OROV
(Bosh muharrir o‘rinbosari)
«Golos Uzbekistana»
Nomoz SA’DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To‘lepbergen QAIBERGENOV
Abdug‘ani MAMASODIQOV
(Mas’ul kotib)

MUASSIS:
O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO‘LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma’naviyat va ma’rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks) 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks) 133-72-83
Reklama va e’lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUHOBLARI:

Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg‘onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO‘CHASI, 32-UY.
Nabvatchi: **Ma‘nuriy OTOMOV**
Gazeta «O‘zbekiston ovozi» ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: **Elyor UBAYDULLAYEV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxonalar manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta O‘zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo‘mitasida 0004-raqam bilan ro‘yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi.
Hajmi 2 bosma tabog.
«O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib boshish faqat tahtiriyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
Г — 0060
7621 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA